



УЧИНЧИ РЕНАСАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШДИР

Мадумаров Талантбек Толижонович¹, Гуломжонов Одилжон Рахимжон ўғли²

¹Андижон давлат университети

Ижтимоий иқтисодиёт факультети декани, юридик фанлари доктори профессор, ²Андижон давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши 4-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5558724>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-oktabr 2021
Ma'qullandi: 05-oktabr 2021
Chop etildi: 10-oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Ижтимоий тараққиёт, маънавий юксалиш, жамият, ривожланиш, ёш авлод, интеллектуал имкониятлар.

ANNOTATSIYA

Бугун дунё кескин кураш ва рақобатнинг кучайиши, манфаатлар тўқнашуви билан ажралиб туради. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун мисли кўрилмаган янги имкониятлар ва кутилмаган муаммоларни кэлтириб чиқаради, чунки улар халқнинг миллий ўзига хослиги ва маънавий қадриятларига янги қийинчиликлар ва таҳдидлар билан бирга келади.

Ижтимоий тараққиётнинг янги босқичида кекса авлоднинг интеллектуал имкониятларидан унумли фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга мунтазам эътибор бериш, унга комплекс ёндошув ислоҳатлар кўламининг ошишига сабаб бўладиган омиллардан биридир.

Демократик ислоҳатлар даврида, “уларнинг ақл-заковати ва сайъ-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди,

шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.”¹ Ушбу ишларни ривожлантириш мақсадида кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Жумладан, қарорда таъкидланадики, “кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечиришларини таъминлаш, бой ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим”.² Бу эса ёшлар ахлоқий маънавий,

¹ Мирзиёев Ш.М.Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 1, 142 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини



маданиятини шакллантириш борасидаги ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Бундай ҳаракатдан кутилган мақсад, жамиятда жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш жараёнида кекса авлод тажрибасидан фойдаланиш, маънавий ахлоқий тарбия тизимини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Ёшлар бандлигини таъминлашда, кекса авлод тажрибасидан, тавсияларидан фойдаланиш, уларнинг уюшмаган ёшлар билан ишлашлари, ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратиш ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг “Ёшлар қаноти” томонидан “Хизмат – беминнат”, “Навоий ворислари”, “Депутат билан юзма-юз”, “Уйма-уй” каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги лойиҳалари ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилган.

Мамлакатимизда янги ривожланиш босқичида ёшлар ахлоқий маданияти тизимининг институционал асосларини такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Ёшларнинг ижтимоий тарбиялашда ота-она меҳри, Ватан муҳаббати, устоз-шогирдлик анъаналари, миллий қадриятлар,

шунингдек, маҳалла ва жамоат назорати ҳам катта таъсир кучига эга бўлиб, ёшлар комолотида муҳим аҳамият касб этади.³ Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади ва уни ривожлантириш борасида қатор амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, 50 дан ортиғи такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларининг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзида 1,5 баробарга оширилди. Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди. Маҳалла фаолларининг масъул ташкилотлар ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида охириги уч йилда 87 мингга яқин кам таъминланган оила эҳтиёжмандлик даражасидан чиқарилди.⁴ Аммо кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, Маҳалла

янадаошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.27.09.2019 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),2019 йил 28 сентябрь. <https://lex.uz/docs/4532381>
³ Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти:, Маънавият асосий тушунчалари изоҳли луғати./қайта ишланган янги нашри/Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи., Тошкент-2016й. 89 бет

⁴ Ўзбекистонда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил тилади. <https://kun.uz/news/2020/02/12/prezident-yigilishi-ozbekistonda-yangi-vazirlik-tashkil-etish-taklifi-bildirildi>



ташкilotининг фаолиятида қатор камчилликлар борлиги аниқланди. Маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган.

Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим мавжуд эмас. Олиб борилган ташкилий ишлар мазмунидаги камчилликлар натижасида айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учрамоқда. Маҳаллалар фаолиятида кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийлар, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир.⁵

Шунинг учун ҳам 2020 йилда ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ташкил этилди ва ушбу Вазирлик таркибига “Низомга кўра, вазирлик оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Вазирлик тизимига қуйидагилар киради: марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди; Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ва бошқа ташкilotлар”⁶.

Вазирлик асосий вазифаларига кўра “оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади”⁷.

⁵ Ўзбекистонда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилади.
<https://kun.uz/news/2020/02/12/prezident-yigilishi-ozbekistonda-yangi-vazirlik-tashkil-etish-taklifi-bildirildi>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади.

<https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади.
<https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>



Фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида ёш авлодни ахлоқий-маданий манавиятини юксалтириш, бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашган шароитда фалсафий ва гуманитар тарбия тизимини амалга ошириш ҳар қачонгидан муҳимдир. Шунинг билан бирга ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш бозор иқтисодиёти муносабатлари кенгайган даврда қатор ижтимоий вазифалар ўз ечимини топмаган. Таъкидлаш лозимки, оила институти ҳозирги даврда, жамият тараққиётида ижтимоий ривожланишнинг муҳим негизи ролини бажаради.

Оилада, кексаларнинг ёшлар онгига, шуурига таъсири катта. Шунинг эътиборга олиб, маҳалла, хотин-қизлар билан ҳамкорликда “жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама қўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли қўмаклашишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ”⁸

[oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi](https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi)

⁸ Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади.

Республикамизда оила турмуш тарзини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифа ва муаммоларни оиланинг соғлом бўлиши, маънавий ҳамда моддий фаровонлигининг ошириши, фарзандлар тарбиясининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.⁹ Ёшларнинг соғлом тарзини яратилса, ёшларда албатта соғлом ғоявий тафаккурлар мавжуд бўлади.

Ўзбек халқининг ёшларни ахлоқий тарбиясига муносабати, умуминсоний кадриятлар билан миллий кадриятлар тизими билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу фазилат миллий хусусиятларда янада яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам ислохотлар давомида ва ижтимоий ривожланишнинг жадаллашуви шароитида кексаларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда кексалар иштирокини кенгайтириш мақсадида, “кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш, миллий урф-одат, анъана ва маросимларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда йўл-йўриқ кўрсатиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда фуқаролар йиғинига ёрдам бериш, кам таъминланган ва қўп болали оилалар, ёлғиз, ногиронлиги бўлган фуқаролар

<https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>

⁹ М.Тешабоев Соғлом турмуш тарзи ва соғлом бола. Монография. – Тошкент : “ТАМАДДУН”, 2014й., 83-бет



ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашиш, маҳаллаларда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия машғулоти гуруҳларини шакллантириш, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиш мақсадга мувофиқ¹⁰.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда кексаларни қадрлаш, эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий ва касбий тажрибасидан фойдаланиш, мазмунли умр кечиришлари учун шароитлар яратиш бўйича қилинаётган ишлар, уларга давлатимиз томонидан юксак эътибор масаласи ўз ифодасини топмоқда¹¹.

Кекса авлод вакиллари билан ишлашни модернизациялаш, уларнинг ёшлар орасида олиб борадиган маънавий-маърифий ишлардаги фаоллигини ошириш мақсадида, “мамлакатимизда вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида фаолият йўналишидан келиб чиқиб раҳбар ўринбосарларидан бири жамоатчилик асосида кексалар масалалари бўйича масъул этиб

белгиланди ҳамда “Фахрийлар кенгаши” фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунингдек, меҳнат жамоаларида пенсияга чиқиш арафасида бўлган меҳнат фахрийларини узоқ йиллик самарали фаолияти учун тақдирлаш ва нафақага кузатиш тадбирларини доимий ўтказиб бориш амалиёти жорий этилди¹² Муаммонинг ечимига бундай илмий асосда ёндашиш, мамлакатнинг жадал тараққиёти даврида, тарбия жараёнига комплекс муносабат кекса авлоднинг ёшлар ахлоқий камолотини таъминлаш, уларда ахлоқий маданият кўникмаларининг шаклланиши жараёнидаги фаоллигини оширувчи омил ролини бажармоқда.

Ғарб фалсафасидаги “доно қариянинг қимматли билимларни сақлаш ғояси кексаликка маъно бериш учун сўнгги имкониятдир¹³” деган хулосаси ҳар қандай жамиятда кексалар нодир билимларнинг жонли хазинаси сифатида эътироф этилишини ҳам асослайди. Бу билимларни ёш тарбияси йўлида сафарбар этиш эса энг тўғри йўлдир.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.09.2019 й. н 816 сонлиқарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 28 сентябрь

¹¹ Содиқова Шоҳида Марҳабоевна. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Докторлик диссертация автореферати. 22.00.02 — ижтимоий тузулиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи. Социология фанлари. Тошкент., 2016.6-бет

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кекса авлод вакилларининг

жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.09.2019 й. н 816

сонлиқарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 28 сентябрь

¹³ «Сила возраста: уроки старости для семей и молодежи / под ред. Дж. Батталья»: Алетейя; Санкт-Петербург; 2016 год – 4 ст



Жамият тараққиётининг янги босқичида ёш авлодни ахлоқий маданиятини шакллантириш мураккаб фалсафий – педагогик йўналишларга эга. Фуқаролик жамияти ривожланиши Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий соҳаларда чуқур ижобий ўзгаришларга олиб келди. Аммо бу ижтимоий, миллий, сиёсий ютуқларни ўзининг индивидуал ғаразли, салбий қарашлари асосида нотўғри талқин қилувчилар ҳам мавжуд. Улар янги даврага мос келувчи мафкура, янги ахлоқ, янги маънавийлик зарур, деб даъво қилади. Аммо тарбия жараёнида миллий қадриятларимизга хос бўлган, халқимизнинг узоқ ўтмишидан мерос бўлиб келган маънавий-ахлоқий қадриятлардан воз кечишга чақиради.

Таъкидлаш лозимки, маданий муносабатлар, маълум даражада, даврдан-даврга, ўтиш жараёнида шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгариб боради. Оммавий ахлоқ мазмуни абадий, мутлоқ унга хослик сақланиб қолади. Бу борада кексаларнинг жамият тараққиётидаги ва тарбиявий жараёндаги ўрнини тасдиқловчи ўзбек халқ мақолларидан мисоллар келтириш мумкин, яъни “Кексаси бор уйнинг париси бор”. У ижтимоий онга кучли таъсир кўрсатувчи восита сифатида юқоридаги салбий фикрларни рад этади. Қолаверса, “кекса одамларнинг ҳақиқати ҳаётнинг барча соҳаларини “босиб олади”: нафақат атрофимиз, уйларимиз, шаҳарларимиз, давлат бюджетларимиз ҳар бир эркак ва ҳар бир аёлнинг ичида потенциал кекса одам бор”¹⁴ дея қайд этилган мулоҳазалар тарбия омилини

танлашга кекса авлод қарашларини тўғри йўналтириш орқали эришиш мумкинлигига ишора қилади. Шунинг учун ушбу жараёнда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ахлоқнинг нисбийлиги ёки ижтимоий онг шакли сифатида унинг моҳиятини объектив баҳолаш ва таққослашни инкор этади. Шу тўғрисида ахлоқ иккиланмайди ва ижтимоий ривожланиш жараёнида, инсон тафаккурида қарор топиш ҳолатида бўлади.

Иккинчидан, ахлоқ, хулқ ва феъл-атворни айнанлаштириш хусусиятига эгадир. Шахс фаолиятида феъл-атвор ахлоқ эмас, ахлоқнинг воқеаликдаги ифодасидир. Шахс хулқ-атворида ижтимоий ривожланиш жараёни, унинг фаолиятига хос бўлган жараёнда, яъни муайян ахлоқ тизимида намоён бўлади.

Учинчидан, демократик ислохотлар, яъни ижтимоий ривожланиш жараёнида инсон ахлоқий хулқи муайян мазмунда таърифланади. Уларда инсон ижтимоий, иқтисодий ҳаётида қўллаш мумкин бўлган феъл-атворлар мажмуасига оид ҳаракатлар акс этади.

Таъкидлаш лозимки, янги тараққиёт босқичида инсоний ахлоқий меъёрларга таҳдид солаётган ғоялар ва мафкуралар ҳам мавжуд бўлиб, бу “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлмоқда. Бундай ғоялар ва манқурт фикрларни фош қилишда кекса авлоднинг яратувчилик фаолияти,

¹⁴ «Сила возраста: уроки старости для семей и молодежи / под ред. Дж. Батталья»: Алетейя; Санкт-Петербург; 2016 год – 4 ст



унинг ҳаётий тўплаган ижобий тажрибаси, ўғитлари муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, оммавий маданият тарафдорлари хулосаларига кўра, инсон бунда жонзод экан, у туғма хис-туйғулар асосида ҳаракатланади ва фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, “эркинлик” энг юқори даражадаги қадрият бўлиб ва ҳар-қандай ижтимоий, ҳуқуқий чеклашларга чидаш бермайди, унинг туйғулари ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир.

Учинчидан, индивидуализм, эгоизм – шахсни фақат “мен”ни биринчи ўринга қўйиши, у инсон табиати билан боғлиқ, уни тафаккурдан чиқариб бўлмайди, шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўз ҳаёти ва келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим.

Тўртинчидан, инсоннинг бахти ва камолотига интилиш, эвдемоник

жараёнлар билан боғлиқ, ижтимоий ҳаётининг моҳияти ҳар қандай ғам-ташвишлардан қутилиш ва ижтимоий турмушдан лаззатланиш, ижтимоий ҳаётининг яхшилаш ва унга етишишдан иборатдир.

Бешинчидан, “тоталитаризмга хос бўлган маданият” жазолашга хизмат қилиб, инсонни жамият ва тафаккурдан бегоналаштирган, хоҳиш – истакни, унинг яратувчилик имкониятларини, шахсий эркинлигини чеклаган. Демак, “оммавий маданият” инсонни моддий эҳтиёжларини, маънавий маданиятидан устун қўяди. “Оммавий маданият” кишиларни моддий эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйганлиги туфайли инсон ҳуқуқларини чеклайди, уни бўйсундиришга ундайди. “Оммавий маданият”га берилган индивид – инсон учун идеал “мен”, ундан олийроқ нарса йўқ. Шунинг учун оммавий маданиятни маънавийсизлик ва ахлоқни емирувчи онг ва фаолият деб таърифлайдилар.

References:

1. Мирзиёев Ш.М.Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, Том 1, 142 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 27.09.2019 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 28 сентябрь. <https://lex.uz/docs/4532381>
3. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти., Маънавият асосий тушунчалари изоҳли луғати./қайта ишланган янги нашри/Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи., Тошкент-2016й. 89 бет.
4. Ўзбекистонда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил тилади. <https://kun.uz/news/2020/02/12/prezident-yigilishi-ozbekistonda-yangi-vazirlik-tashkiletish-taklifi-bildirildi>
5. Ўзбекистонда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилади. <https://kun.uz/news/2020/02/12/prezident-yigilishi-ozbekistonda-yangi-vazirlik-tashkiletish-taklifi-bildirildi>



6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади. <https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>
7. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади. <https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>
8. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланади. <https://kun.uz/news/2020/03/06/mahalla-va-oilani-qollab-quvvatlash-vazirligining-asosiy-vazifalari-belgilanadi>
9. М.Тешабоев Соғлом турмуш тарзи ва соғлом бола, Монография. – Тошкент : “ТАМАДДУН”, 2014й., 83-бет
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 27.09.2019 й. п 816 сонлиқарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),2019 йил 28 сентябрь
11. Содиқова Шоҳида Марҳабоевна. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Докторлик диссертация автореферати. 22.00.02 — ижтимоий тузулиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи. Социология фанлари. Тошкент., 2016.6-бет
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 27.09.2019 й. п 816 сонлиқарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),2019 йил 28 сентябрь
13. «Сила возраста: уроки старости для семей и молодежи / под ред. Дж. Батталья»: Алетейя; Санкт-Петербург; 2016 год – 4 ст